

**Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги директорининг ходимлар ва
жамоатчилик учун коррупцияга қарши мурасасиз муносабатни
шакллантириш бўйича мурожаати
МУРОЖААТ**

Хурматли Агентлик ходимлари!

Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги ўз фаолиятини Бутунжаҳон антидопинг агентлиги (WADA) Кодекси ва Халқаро стандартлар талаблари асосида амалга оширади. Мазкур талаблар фаолиятда мустақиллик, холислик, шаффофлик ва ҳалоллик тамойилларига қатъий риоя этилишини талаб қилади.

Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мурасасиз муносабатда бўлиш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, хизмат вазифаларини виждонан бажариш ҳамда ички тартиб-қоидаларга риоя қилиш ҳар бир ходимнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Агентликда коррупциявий хавфларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ички назорат механизмлари жорий этилган, коррупцияга қарши тартиб-таомилларни мониторинг қилиш ва баҳолаш ишлари мунтазам амалга оширилмоқда.

Барча ходимлардан хизмат фаолиятида ҳалоллик, очиқлик ва масъулият тамойилларига амал қилишни сўрайман.

Директор:

